QMMB: 09/26/643/1154-son
26.11.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 25 » noyabr № 643 Toshkent sh.

Тошкент шаҳрида “Курчатов институти” миллий тадқиқот маркази” федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)нинг филиалини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида илмий-тадқиқот ва технологик интеграцияни янада мустаҳкамлаш, инновацияларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлигининг Тошкент шаҳрида **“Курчатов институти” миллий тадқиқот маркази” федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)нинг филиали**ни (кейинги ўринларда – Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг илмий-технологик ривожланишининг **материалшунослик, атом энергетикаси, биоиқтисодиёт, ядровий тиббиёт ва радиология ҳамда квант технологиялари** каби устувор йўналишлари бўйича **қўшма илмий тадқиқотлар ўтказишда ҳамкорликни ташкил этиш**;

Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг “Курчатов институти” миллий тадқиқот маркази” федерал давлат бюджет муассасаси томонидан ташкил этилган “Синхротрон, нейтрон ва лазер тадқиқотлари фанлараро маркази”ни Халқаро илмий ташкилотлар ассоциациясидаги иштироки доирасида замонавий ядро физикавий қурилмалар ёрдамида қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

Фанлар академияси Материалшунослик институти билан конструкцион ва функционал материалларни **ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш**;

QMMB: 09/26/643/1154-son
26.11.2026-y.

Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази ҳамда Илғор технологиялар маркази билан биотехнология ва геном технологиялар соҳасида қўшма тадқиқотларни амалга ошириш;

Атом энергияси агентлиги ҳамда Фанлар академияси Ядро физикаси институти билан ҳамкорликда ядро технологияларини, шунингдек, кам қувватли атом электростанцияларини ривожлантириш соҳасида ишларни ташкил этиш;

Тоғ-кон ва геология вазирлиги билан ҳамкорликда фойдали қазилмаларни қидириш соҳасида илғор технологияларни **жорий этиш**;

хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари, олий таълим ташкилотлари ва бизнес ҳамжамиятлари билан **фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш**.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал “Курчатов институти” миллий тадқиқот маркази” федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда – Бош муассаса)нинг илмий-тадқиқот, илмий-техник, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи **юридик шахс мақомига эга алоҳида таркибий бўлинмаси** ҳисобланади;

Филиал директори Бош муассаса томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Филиал директорини Бош муассаса томонидан лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Фанлар академияси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Филиал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензияланиши лозим бўлган фаолиятни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли лицензия олганидан кейин амалга оширишга ҳақли.

4. Қуйидагилар **Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Бош муассасанинг маблағлари;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

халқаро молиявий институтлари, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Бош муассаса Филиал фаолиятини қўллаб-қувватлаш доирасида қуйидагиларни амалга ошириши назарда тутилсин:

Филиал фаолиятига **илғор ахборот-коммуникация, инновацион ва бошқа технологияларни, шунингдек, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини** жорий этишда кўмаклашиш;

QMMB: 09/26/643/1154-son
26.11.2026-y.

хорижий ва маҳаллий олимлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчиларни Филиал илмий фаолиятига жалб этиш;

замонавий илмий лабораторияларни ташкил этиш ва уларни илмий-техник ускуналар билан жиҳозлаш ишларини мувофиқлаштириш.

6. Фанлар академияси ҳамда Бош муассаса Филиалнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш билан боғлиқ **ташкилий, молиявий, ҳуқуқий, илмий ва моддий-техник масалаларни ҳал этишда** ўзаро ҳамкорлик қилади.

7. Таълим ва илм-фан вазирлиги Фанлар академияси ва Филиал билан биргаликда:

Филиалнинг илмий-тадқиқот йўналишларидан келиб чиқиб, **ядровий технологиялар, квант физикаси ва радиобиология соҳалари** бўйича олий малакали илмий кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйсин;

иқтидорли талабалар, докторантлар ва ёш олимлар учун Бош муассасанинг етакчи лабораторияларида ҳар йили **10 нафардан кам бўлмаган ходимнинг қисқа ва узоқ муддатли илмий стажировкаларини** ташкил этсин;

Филиалда таҳсил олаётган докторантлар ва мустақил тадқиқотчилар учун **маҳаллий ва хорижий олимлардан иборат "қўшма илмий раҳбарлик" (co-tutelle) тизимини** жорий қилсин.

8. Фанлар академияси Бош муассаса билан биргаликда **бир ой муддатда** Филиалнинг устави тасдиқланиши ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

9. Ички ишлар вазирлиги Филиалнинг буюртманомалари бўйича хорижий илмий, муҳандис-техник ва маъмурий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кўп марталик визалар расмийлаштирилиши (муддати узайтирилиши) ҳамда Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини белгиланган тартибда таъминласин.

10. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Фанлар академияси ва Филиал томонидан жалб этиладиган хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқнома берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

11. Филиал Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек шаҳарчаси, У. Ғуломов кўчаси, 1-уй манзилидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти маъмурий биносининг биринчи қаватига **текин фойдаланиш ҳуқуқи** асосида жойлаштирилсин. Бунда:

Филиалга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан коммунал хизматлар бўйича тўловлар Филиал маблағлари ҳисобидан қопланади;

Филиалга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган мол-мулкнинг ажратиб бўлмайдиган яхшилашларини амалга ошириш, шунингдек, Филиални зарур мебель, инвентарь, асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашни молиялаштириш Филиал ёки Бош муассаса маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – таълим ва илм-фан вазири Э.О. Турдимов, Фанлар академияси президенти Ш.А. Аюпов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги директори А.И. Ахмедходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1